

ҒАЛЛА ҲИМОЯСИДА МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КАФОЛАТЛИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИДИР

Аннотация: мақолада ғаллазорлардаги ҳосилни касалликлар, бегона ўтлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг энг муҳим аҳамияти ҳамда ғалла майдонларидаги бегона ўтларга, касалликларга ва зараркунандаларга қарши кураш ҳамда тавсия этилган чора-тадбирлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: ғалла, замбуруғ, зараркунанда, буғдой, ҳашарот, экин, ғалла, кураш, самара, касаллик, бегона ўт, ҳосил, етиштириш, дон, гектар.

Аннотация: в статье подчеркивается важность защиты сельскохозяйственных культур от болезней, сорняков и вредителей, а также борьба с сорняками, болезнями и вредителями на зерновых полях и рекомендуемые меры.

Ключевые слова: Зерно, грибок, вредитель, пшеница, насекомое, урожай, зерно, борьба, фрукты, болезни, сорняки, урожай, выращивание, зерно, акр.

Annotation: the article emphasizes the importance of protecting crops from diseases, weeds and pests, as well as weed, disease and pest control in grain fields and recommended measures.

Key words: grain, fungus, pest, wheat, insect, crop, grain, struggle, fruit, disease, weeds, crop, cultivation, grain, acre.

Ғаллазорларда зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар пайдо бўлиши муддати бир вақтга тўғри келганда инсектицид, фунгицид ва гербицидларни қўшиб ишлатиш яхши самара бериши билан бирга, ортиқча сарф-харажатларни тежаб қолиш имконини яратади[1].

Апрель ойида бошоқли дон экинларининг жиддий зараркунанда ҳашаротларидан: шиллиққурт, зарарли хасва, буғдой трипси, шира каби ҳашаротлар катта майдонларни зарарлаши таъкидланади. Шунингдек, ғалла майдонлари зарарланишини инobatга олиб, доимий кузатувлар ва қарши кураш чораларини эртaroқ амалга ошириш кераклиги келтириб ўтилган [2]. Республикамизда бугунги кунда ғаллачилиги соҳасини барқарорлигини таъминлаш, дон сифатини яхшилаш муаммоларининг асосий ечими ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳсулдор, дон сифати бўйича кучли ва қимматбаҳо буғдой талабларига жавоб берадиган навларни яратиш ва жорий этиш, экиннинг минерал озиқаларга, айниқса азотли ўғитларга талабини бутун ўсув даври давомида таъминланиб туриш ва бошқа агротехнологик тадбирларни юқори савияда ўтказилишига боғлиқдир [3].

Бу йил қиш ойларида ҳавонинг қуруқ илиқ келиши, март ойининг биринчи ўн кунлигида эса серёғин ҳаво ҳароратининг паст келиши ғалла майдонларидаги бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларнинг авж олишига ва ривожланишига қулай шароит яратади.

Ғаллани озиқлантириш, суғориш ҳамда бегона ўтларга, касалликларга ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари ҳар йилгига нисбатан 5-10 кун кечикиб амалга оширилмоқда. Ғаллачиликда апрель ойи ҳосилнинг тақдирини белгилайдиган муҳим ойлardan бири ҳисобланади. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш учун бу даврда зарур бўлган муҳим агротехник чора-тадбирларни, бегона ўтларга, касалликларга ва зараркунандаларга қарши курашни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш юқори дон ҳосили олишни таъминлайди.

Бундан ташқари найчалаш палласига кирган ғалла майдонларига физик ҳолда 250-300 кгдан, кеч экилган, ривож паст ғалла майдонларига азотли ўғитларни ўзлаштириш ҳолатига қараб икки мартадан, бунда 1-озиқлантириш гектарига 200-250 кгдан, 15-20 кундан сўнг

2-озиқлантириш гектарига физик ҳолда 100-150 кг меъёردа бериш тавсия қилинади.

Азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилган майдонларда ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олиб ғалла майдонларини 600-700 м³ меъёрдa суғоришни сифатли ўтказиш, гектарига 5 тонна маҳаллий чирган ўғит ҳисобида суғоришни шарбат усулида амалга оширилиши берилган минерал ўғитларнинг самарадорлигини янада оширади.

Буғдой найчалаш фазасида намлик ва озиқ моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсирини кўрсатади. Ғалла майдонларида намликни чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) нисбатан 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш ҳамда азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 40-50 фоизини физик ҳолда 250-300 кгдан қўллаш муҳимдир.

Барг орқали суспензияли ишлов ўтказилганда айниқса ривож паст, кеч экилган ғалла майдонларда ғалланинг ривож тезлашади, ҳосилдорлигининг ортишига ижобий таъсирини кўрсатади. Ғаллага суспензия билан ишлов берилганда гектарига 15-20 кг дан карбамидни 300 литр ишчи эритма билан 1-2 марта ишлов бериш ёки ўсимликларни ривожланишини жадаллаштирувчи, таркибида глумин кислоталари бўлган биопрепаратлар билан барг орқали озиқлантириш тавсия қилинади.

Апрел ойида бошоқли дон экинларини шиллиққурт, зарарли хасва, буғдой трипси, ғалла шираси, ғалла арракаши зараркунанда ҳашаротлари зарарлайди. Далада ушбу зараркунандалар меъёридан ортиқ бўлса, руҳсат этилган инсектицидлардан “Каратэ” 5% ли э.к-0,15 л/га, “Карбофос” 50% эм.к.-1,5-2,0 л/га, “Децис” 2,5% ли эм.к-0,25 л/га, “Бульдок” 2,5% эм.к 0,5 л/га, “Фаскорд” 0,15 л/га, “Циперметрин” 0,2 л/га препаратлари билан гектарига 250-300 литр ишчи эритма тайёрлаб ишлов ўтказиш лозим.

Жорий йилнинг серёғин, намликнинг юқори бўлиши ғалла майдонларида замбуруғли касалликлардан сарик қўнғир, занг, септариоз, ун шудринг ва фузариоз эпидемиясининг кучли ривожланишига шароит яратади. Бу ғалла майдонларидан 25-30 фоизгача ҳосилдорлики камайишига олиб келади. Ғалла майдонларидаги замбуруғли касалликларга “Фоликур БТ” 0.3-0.5 л/га, “Копасал” 0.3-0.5 л/га, “Фолкон” 0.3-0.5 л/га, “Импакт” 0.3-0.5 л/га, “Алто-супер” 33 фоизли э.к 0.3 л/га, “Титул Дуо”

гектарига 0,2 литр, “Энтоликур” гектарига 0,3-0,5 литр меъёрда (гектарига 250-300 литр ишчи эритма тайёрлаб) кимёвий кураш ўтказиш тавсия этилади.

Хулоса шуки, азиз ғаллакорлар, дала кузатувларини янада кучайтиринг, зараркунандалар ва ҳашаротларга, касалликларга ўз вақтида, самарали кураш чораларини

ташқил этинг. Бу мўл ва сифатли ҳосил кўтариш гаровидир.

О.А.АМАНОВ, қ.х.ф.д.,
ДДЭИТИ Қашқадарё филиали директори,
Д.Т.ЖўРАЕВ,
О.С.АМИРҚУЛОВ,
қ.х.ф.ф.д.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ражабов Б., Тулепов С., Пўлатов З., Бекчанов З., Уразбоев А., Суяров М. “Майса парваришидаги долзарб вазифалар.” “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг илмий иловаси. Тошкент, 2010. – №3. –Б. 5.
2. Сиддиқов Р. “Ғаллакорнинг долзарб юмушлари.” “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг илмий иловаси. Тошкент, 2016. – №4. –Б. 8.
3. Сиддиқов Р.И., Эгамов И.У., Мансуров А.М. “Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган ҳамда истиқболли кузги бугдой навларини тавсифи ва уларнинг етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиянома”. Андижон, 2014. – Б. 61.

УЎТ: 631.9; 631.8;

ҒАЛЛАЧИЛИК СИРААРИ

КУЗГИ БУГДОЙНИНГ ҚИШГА ЧИДАМЛИЛИГИГА КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ТАЪСИРИ

Аннотация: бошоқли дон экинларидан кафолатли ҳосил олишни таъминлашда, калийнинг тупроқдаги миқдорини ўрганиш ҳамда калийли ўғитлар билан бир қаторда таркибида калий элементи кўп бўлган янги шаклдаги органик ўғитларни тайёрлаб, қўллаш орқали ўғитлаш тизимини оптималлаштириш лозим. Ушбу мақолада, калийли ўғитларнинг кузги бугдой навларининг совуққа чидамлилиги хусусиятига боғлиқлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: кузги бугдой, нав, уруғ, калийли ўғит, ўсимлик сони, тупроқ, чидамлилиги, совуқ, ҳаво ҳарорати.

Аннотация: для получения гарантированных урожаев зерновых культур, необходимо оптимизировать систему удобрений путем изучения количества калия в почве, а также путем приготовления и внесения новых форм органических удобрений, содержащих калий. В данной статье говорится о зависимости калийных удобрений от морозостойкости сортов озимой пшеницы.

Ключевые слова: озимая пшеница, сорт, семя, калийное удобрение, число растений, почва, устойчивость, мороз, температура воздуха.

Annotation: to obtain guaranteed grain crops, it is necessary to optimize the fertilizer system by studying the amount of potassium in the soil, and also by preparing and adding new forms of organic fertilizers containing potassium.

Keywords: winter wheat, variety, seed, potash fertilizer, number of plants, soil, resistance, frost, air temperature.

Бошоқли дон экинларидаги калийнинг асосий қисми цитоплазма ва вакуолаарда бўлсада, ядрога учрамайди. Ялли калийнинг 20% га яқини бугдой ўсимлиги хужайраларининг цитоплазма коллоидлари томонидан алмашинувчан шаклда, 1% митохондриялар томонидан алмашинувчан шаклда ютилади. 80% га яқин калий хужайра ширасида ион шаклида бўлиб, органик бирикмалар таркибига кирмайди. Шунинг учун узоқ ва шиддатли ёмғирлар таъсирида барглардаги (айниқса, эски барглардаги) калийнинг анча қисми ювилиб кетади.

Хлоропласт ва митохондрияларда тўпланадиган калий уларнинг тузилишини маромига келтиради, фотосинтетик ва қайтарилувчан фосфорланиш жараёнларида энергияга бой АТФ лар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Куннинг ёруғ қисмида калий ионининг хужайра каллоидлари билан боғланиши кучаяди, кечалари аксинча, сусаяди, натижада унинг бир қисми илдиз тизими орқали тупроққа ажралади.

Калий донли экинларнинг барча қисмларида тенг тақсимланмайди, кўпроқ қисми модда алмашинуви ва хужайра бўлиниши жадал кетадиган меристема ва новдаларда тўпланади. Гул чангчиларида ҳам калий миқдори кўп

бўлади [1].

Бошоқли дон экинлари хужайрасидаги калий миқдори ва ўсиш жараёни жадаллиги ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шу боис калий танқислигида хужайраларнинг бўлиниши, чўзилиши ва ўсиши сустлашади, деб таҳмин қилинади.

Ҳозирги кунда донли экинларда оқсил синтези ва калий миқдори ўртасида ижобий муносабат борлиги тўғрисида етарли маълумотлар тўпланган. Калий етишмаганда фотосинтез маҳсулотларнинг барглардан бошқа органларга оқиб ўтиши секинлашади, маҳсулдорлиги пасаяди.

Калий танқислиги натижасида оддий углеводларнинг анча мураккаб углеводларга айланиши сусаяди. У қанд моддаларини барглардан ўсимликнинг бошқа қисмларига оқиб ўтишини кучайтиради, углерод алмашинуви ферментлари, жумладан амилаза фаоллигини оширади.

Калий танқислигида бир қатор ферментларнинг фаоллиги сусаяди, ўсимликда углерод ва оқсил алмашинуви бузилади, қанд моддаларининг асосий қисми нафас олиш жараёни учун сарфланади, пуч донлар шаклланади ва донли экинлар ҳосилдорлиги кескин камаёди [2].